

Сажданинг изи



08:05 / 08.12.2018 3409

Ҳорис Ғанавийдан ривоят қилинади: “Мурра Ҳамадоний кўп сажда қилганидан пешонасини тупроқ ўйиб юборган эди. У вафот этгач, қариндошларидан бири уни тушида кўрибди. Унинг пешонасидаги из юлдуздек порлаб турар эди. “Юзингиздаги нарса нима?” деб сўраган экан, “Тупроқ ўйиб юборган сажда ўрни нур бўлиб қолди”, дебди Мурра. “Жаннатдаги даражангиз қандай?” деб сўраган экан, “Эгалари бошқа жойга кетмайдиган ва ўлмайдиган яхши мартабада,” деб жавоб берибди”.

“Солиҳлар гулшани” китобидан